

*Библи*

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият курилиши академияси

---

Кўлёзма ҳуқуқида  
ББК: 336.2:230.322

АЛИМОВ НАВРУЗЖОН РАЙМДЖАНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИДА  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтиносслиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2004

336.5(043.3)

A 50

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
«Халкаро молия» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор  
Рапидов О. Ю.

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори  
Иминов О. К.

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Жумаев Н. Х.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси  
Банк – Молия академияси

Диссертация 2004 йил «24, штотиель соат 14 да Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.005.10.02 раками Бирлашган ихтисослашган кенгашда химоя килинади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «21, штотиель да тарқатилди

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

*Миссисим*

Абулқосимов Ҳ. П.

## I. Диссертациянинг умумий тавсифи

Тадқикот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш мобайнида иқтисодиётда мутаносиб тармок тизимини юзага келтириш ҳамда унинг баркарор ўсишини таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришид.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига хукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат республикамида нафакат иқтисодий ўсишини ва ҳалқ фарновонлигининг мунтазам ошишини таъминлаб бермоқда, балки ўзининг ижтимоий-иктисодий ва табиий ҳом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш механизми оркали республикамизни ҳалқаро майдонда нуфузли ўринлардан бирини эгаллашига сабаб бўлмоқда. “Иқтисодиётимизни эркинлаштиришига қаратилган сиёсат, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос шароитида эркин иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамоилларига изчил амал қилиш, ҳеч шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда”<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон хукумати олдида янада долзарб ва узокқа мўлжалланган аниқ иқтисодий мақсадлар ва вазифалар турибдики, уларни давлатнинг молия, бюджет, пул-кредит ва солиқ соҳаси каби фундаментал иқтисодий тизимларини тубдан янгилаш асосидагина ҳал этиш мумкин.

Иқтисодиётда бозор муносабатлари қарор топаётган ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналар, жумладан, хусусий мулкдорлар синфи пайдо бўлаётган шароитда инвестицияларни кредитлаш муваммолари тижорат банки учун муҳим аҳамият каас этади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётини ҳудудий ва тармок таркибини иқтисодий сиёсат манфаатлари йўлида тартибга солиш мақсадида инвестицион жараёнларни молиялашнинг бозор механизmlарини йўлга кўшиш иқтисодий тараккиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Юкоридаги ҳолатлар, бугунги кунда давлатнинг янги инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш, инвестициялашнинг замонавий усуулларини жорий этиш ҳамда унинг янада самаралироқ манбаларини излаб топиш заруратини келтириб чиқармоқда. Ушбу вазифа эса муайян молиявий ресурсларга эга бўлган тижорат банкларини янги инвестицион сиёсатда асосий ролни ўйнашлари лозимлигини тақозо этади.

Бундан ташқари банк ресурсларини кўпайтиришга кўмаклашувчи усуулларни излаш ва уларни кенгроқ жорий этиш зарур, бу эса уларга мустақил инвестиция сиёсатини юритиш имконини беради.

Тижорат банкларининг инвестиция сиёсати, энг аввало, мамлакат иқтисодиётида таркиби ўзгаришларни ҳамда иқтисодиёт самарадорлигини

<sup>1</sup> Каримов И. А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳатлар йўлидан изчил бориши – асосий вазифамиз //2003 йилда республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришининг асосий йўналншларига багишлиган Вазирлар Махкамаси маълисидаги маъруzasи. “Ҳалқ сўзи”, 2004 йил 10 февраль. 2-бет.

оширишга каратилган йирик инвестиция лойиҳаларни амалга оширишга ўйналтирилган бўлмоғи лозим.

Бунда мамлакат иқтисодий салоҳиятининг янада ўсишини ҳамда унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, оқибатда эса тобора глобаллашиб бораётган жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш пировард вазифа эканлиги кенг маънода иқтисодий сиёсатнинг, жумладан, инвестиция сиёсатининг бош вазифаси бўлмоғи зарурый ҳолдир.

Ана шу кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш тижорат банкларининг оқилона инвестития сиёсатини юритиб, ўз маблағларини янада кўпайтириш ҳисобига инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг ноанъанавий манбаларини излаб топиш билан баглиқ бўлган илмий изланишларни олиб боришини талаб этади.

Инвестития фаолияти муаммоларини ўрганиш борасида катор етакчи хорижий иқтисодчи-олимлар, хусусан, Стенли Л. Брю, Макконнелл К., Кемпбелл Р., Ж. Кейнс, А. Лафффер, М. Уэйденбаум, П.А.Дробозина, С.В.Барулин, А.Ю.Казак, В.А.Кашин, А.М.Ковалев, В.Г.Паньков, Б.М.Сабанти, Д.Г.Черник ва бошқалар асарларида корхоналар инвестития фаолиятини фаоллаштириш муаммолари тадқиқ этилган.

Мавзунинг айрим жиҳатларини тадқиқ этишда мамлакатимиз олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Президентимиз И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган илмий гоя ва мулоҳазалар, шунингдек, Ш.Абдуллаева, М.Шарифхўжаев, Т.Маликов, Д.Фозибеков, О.Намозов, А.Ўлмасов, А.Қодиров, Т.Қоралиев, Т.Бобокулов, Н.Ҳайдаров ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган илмий изланишларнинг натижалари бунга мисол бўла олади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида инвестиция бозорида тижорат банкларининг ролини ошириш ва уни замон талабларига мос равищада такомиллаштириб бориш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўта долзарб муаммо ҳисбланди.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари инвестицион фаолиятининг назарий – услугубий ва амалий – тадбикӣ қоидаларни, уни кучайтириш юзасидан услугубий ва амалий тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш механизмини тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидагилар тадқиқот вазифалари этиб белгиланди ва ҳал этилди:

- Ўзбекистон Республикасида инвестицион жараёнларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

- тижорат банкларининг инвестицион фаолияти билан баглиқ бўлган муаммоларни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- тижорат банкларида маҳсус инвестицион сиёсат механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруриятини илмий асослаш;

- Ўзбекистонда тижорат банклари бошчилигига молия-ишлаб чиқариш бирлашмаларини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятларини аниглаш;
- тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлашда фоиз ставкаларини аниглаш бўйича муаллиф методикасини тавсия этиш;
- тижорат банкларини соликка тортиш жараёнлари билан улар инвестицион фаолияти ўртасидаги узвий боғланишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Тадқиқот предмети сифатида тижорат банкларининг инвестиция фаолияти ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий таракқиётини таъминлаш манфаатлари йўлида инвестиция жараёнлари фаоллашувини рағбатлантирадиган молия воситалари ҳисобланувчи ана шу фаолият асоси бўлган иқтисодий муносабатлар белгиланди.

Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ҳамда улар томонидан инвестицион лойихаларни молиялаштириш масалалари олинди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асрлари, шунингдек хорижий ва Ўзбекистонлик олимлар ҳамда мутахассисларнинг инвестиция фаолиятини тартибга солиш, тижорат банклари фаолиятини бошқарни соҳасидаги асрлари ташкил этди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чиқарган мөърий-хукуқий хужжатлар, олим ва мутахассисларнинг молия, кредитлаши соҳасидаги илмий ишларидан ва бошқалардан фойдаланилди.

Иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини белгилаб берувчи диалектик усул тадқиқотнинг услубий асосини ташкил қилди. Тадқиқот жараёнида гурухлаш, молиявий таҳлил, таққослаш усуллари ва бошқалар кўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, унда тижорат банклари инвестицион фаолиятини ривожлантириш орқали банк фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий – услубий ва амалий – тадбикий йўлларини ишлаб чиқиш асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган йирик инвестиция лойихаларини молиялашда тижорат банклари ролини ошириш усуллари илмий асосланган.

Ўтказилган тадқиқотдаги муаллиф ҳиссасини акс эттирувчи энг мухим илмий янгиликка молик натижалар кўйидагилардан иборат:

- “тижорат банкларининг инвестицион фаолияти” - деган тушунчага назарий жиҳатдан муаллиф таърифи берилган;
- тижорат банкларининг алоҳида инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўллари ва босқичлари асослаб берилган. Бундай сиёсат Давлат

инвестицион сиёсатидан келиб чиккан ҳолда олиб борилиши лозимлиги кўрсатиб берилган;

- иктисолидётни инвестиция ресурслари билан таъминлашнинг энг муҳим шартлари аникланган ва булар тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини молиялашда кенг иштирок этиши зарурлиги асослаб берилган;

- тижорат банклари ва иктисолидётнинг турил соҳаларига мансуб корхоналарни бирлаштирувчи молия-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этиши ҳамда уларни ривожлантириш зарурати илмий асослаб берилган;

- тижорат банкларида юкори даромадли инвестиция лойиҳаларни танлашга ихтисослашган “Инвестиция-иктисолидёт” Кенгашларини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

- банк инвестиция фаолиятини амалга оширишда корхоналар молиявий кўрсаткичлари тизими тавсия этилди ва шу асосда қиёсий тахлил ўтказиши услубияти кенг кўлланилиши зарурити асосланган;

- банк инвестиция фаолиятининг истиқболли йўналишларини олдиндан аниклаш ва маблағлар сарфланишининг самарали вариантларини танлаб олиш имконини берувчи инвестиция кредитларининг ўртача қийматини белгилаш методикаси ишлаб чиқилган;

- тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва уларнинг лизинг операциялари механизмини такомиллаштириши ўйлари илмий асосланган;

- тижорат банкларга қўшимча солиқ имтиёзлар бериш ва улар инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга самарали таъсир этиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда тижорат банклари томонидан олиб бориладиган инвестиция фаолияти механизmlарини такомиллаштириш асосида мамлакатимизда инвестиция жараёнларини фаоллаштириш ўйлари белгилаб берилган.

Тижорат банклари инвестиция фаолиятини жонлантиришнинг ушбу ишда таклиф этилган усуулари Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган инвестицион жараёнларни ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, банкларнинг солиқка тортиш сиёсатини шакллантиришда кўлланилиш мумкин.

Тадқиқотдаги илмий-назарий ғоялардан “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши”, “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш” каби маҳсус курсларни ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг синов ва муҳокамадан ўтказилганилиги. Тадқиқот мавзуси бўйича билдирилган илмий-амалий тавсиялар тегишли ташкилотлар томонидан, хусусан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки (маълумотнома №ЯХ-2589/04, 2004 йил 14 апрель), Акционерлик тижорат “Пахта Банки” (маълумотнома №28-16/14, 2004 йил 15 апрель) томонидан банкларнинг инвестицион фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишида кўллаш учун қабул қилинган.

Тадқиқот натижалари Андижон мухандислик – иқтисодиёт институти “Молиявий менежмент”, “Иқтисодиёт назарияси” ва “Менежмент” кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида ташкил этилган илмий семинарида, Тошкент Молия институти “Банк иши” кафедрасининг илмий семинари мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси қошидаги “Иқтисодиёт” йўналиши бўйича муаммовий илмий семинарда мухокамалардан ўtkазилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Нашр қилинган илмий ишлар. Илмий тадқиқот мавзуси ва натижалари бўйича умумий ҳисобда 8 та, шулардан 3 та илмий мақола: 1 таси хорижда, 2 таси иқтисодий журналда ҳамда 5 та илмий тезислар Тошкент ва Москвада ўтказилган ҳалқаро илмий анжуман материаллари тўпламларида чоп этилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 1.2 босма табоқни ташкил этади.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация жами 157 компьютер ёзувидағи саҳифадан иборат бўлиб, 9 та жадвал, 9 та расм ва 120 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

## II. Диссертациянинг асосий мазмуни

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши кўп жихатдан хорижий ва ички инвестицияларга боғлиқdir.

“Иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқdir. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чукурлаштириш – ислоҳотлар стратегиясининг жуда мухим шартиdir.”<sup>1</sup>

Шу муносабат билан инвестициялашнинг ҳозирги аҳволини алоҳида кўриб чиқиши буғунги кун талабларидан биридир.


Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг 1995 йилда бошланган иккинчи босқичида давлатнинг инвестиция фаолияти анча фаоллашгани кузатилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилаётган инвестициялар нисбатида ноишлаб чиқариш соҳаси улуши кўпайиши кузатилмоқда.

Куйида берилган *1-расмдан* шуни кўриш мумкинки, таҳлил килинаётган давр ичida Давлат томонидан иқтисодиётга сарфланган инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 63,3 фоиздан 40,4 фоизга тушиб колган, яъни шу йиллар ичida камайиш 22,9 фоизни ташкил этди. Шу билан бир каторда ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 36,7 фоиздан 59,6 фоизга ошган.

<sup>1</sup> Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида”. “Ўзбекистон”, 1995 йил, 243-б.

*1-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар таркиби (фонд хисобида) 1*



Бу ўз навбатида бугунги кунда республикамизда ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилётганидан далолат беради.

Инвестиция деганда, моддий ва молиявий маблағларни келажакда даромад олиш учун маълум бир объектларга сарфлаш тушунилади.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг инвестицион фаолияти деганда уларнинг кўп қиррали фаолияти, яъни моддий бойликлар яратиш мақсадида турли объектларга молиявий ресурсларни сарфлашдек фаолият тушунилади.

Хозирги вактда аҳоли омонатларининг катта қисми тижорат банклари томонидан депозитларга жалб этилмаганлиги сабабли мишлий иқтисодиётни инвестициялаш учун ресурслар этишмовчилиги мавжуд. Аҳоли омонатларини мамлакатимиз капитал бозорига жалб этиш учун воситачи молиявий ташкилотлар, хусусан, банклар, инвестиция фондлари, сугурта компаниялари кабилар ўзларининг кенг тармогига эга бўлишлари зарур. Давлат бюджети маблағлари чекланган ва корхоналарнинг инвестиция сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ўз маблағлари даражаси паст бўлган шароитда тижорат банклари инвестициялари янада катта аҳамият касб этмоқда. Маблағларни инвестиция лойиҳаларига сарфлашнинг пухта ўйланган тизимини кўзда тутувчи самарали инвестиция сиёсатини юритиши банклар инвестиция фаолиятини муваффакиятли амалга оширишнинг мухим шартиди.

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти улар фаолиятининг бошқа йўналишларидан анча фарқ қиласди. Бизнинг фикримизча, банк инвестициялари кредитлардан қўйидагилар билан фаркландади:

- биринчидан, банкнинг инвестицион фаолияти деганда, узок муддатли кредитлашдан фарқли равишада банкнинг фоизсиз қўйилмалар қўйиши

<sup>1</sup> Расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисоблаб чиқилган.

тушинилади, яъни бунда банк ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади ва фойдадан улуш олади.

- иккинчидан, банк томонидан инвестициялашда ўзининг вақтинча бўш турган маблағларини узок муддатли инвестицияларга сарфлашга интилаётган банкнинг ўзи ташаббускор бўлиб майдонга чиқади, ваҳоланки кредитлаш жараёнида карз олувчи битим ташаббускори бўлади.

Тижорат банклари инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишининг биринчи босқичи мақсадлар тизимиши шакллантиришдан иборат бўлиб, бутун сиёsat ана шу мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши керак. Иккинчи босқичда тижорат банки инвестиция мақсадларига эришишга қаратилган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиши лозим. Мазкур дастур банкни ривожлантириш концепцияси, ҳаракат режаси билан боғланган тараккиёт стратегиясини танлаш, ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган турли бизнес режаларни тузиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Тижорат банкининг инвестицион сиёсатини амалга ошириш борасидаги ташкилотчилик модели энг аввало ушбу фаолиятнинг асосий мақсадларини амалга оширишга, яъни банк фаолиятига мос келадиган инвестиция лойиҳаларнинг бутун мажмуасини яратиш, кўллаб-куватлаш ва бошқаришга қаратилган бўлиши керак.

Тегишли йилларга мўлжалланган инвестиция дастурларида капитал қўйилмаларнинг барча молиялаш манбалари бўйича, шу жумладан тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган қўйилмалар /-жадвалда берилган.

*/-жадвал. Тегишли йиллардаги инвестиция дастурларида белгиланган молиялаш манбалари бўйича капитал қўйилмалар таркиби (фоизларда)<sup>1</sup>*

| Молиялаш манбалари                                  | 2000 й. | 2001 й. | 2002 й. | 2003 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|
| <b>Капитал қўйилмалар, жами</b>                     | 100,0   | 100,0   | 100,0   | 100,0   |
| <i>шу жумладан</i>                                  |         |         |         |         |
| <b>Марказлаштирилган инвестициялар, жами</b>        | 52,0    | 58,6    | 57,9    | 46,4    |
| <i>Улардан:</i>                                     |         |         |         |         |
| - бюджет маблағлари                                 | 22,8    | 20,8    | 19,2    | 14,3    |
| - бюджетдан ташқари фонdlар маблағлари              | -       | -       | 1,6     | 0,4     |
| - хорижий инвестициялар                             | 21,2    | 28,5    | 32,2    | 31,7    |
| - бошка манбалар                                    | 8,0     | 9,3     | 4,9     | -       |
| <b>Марказлаштирилмаган инвестициялар, жами</b>      | 48,0    | 41,4    | 42,1    | 53,6    |
| <i>Улардан:</i>                                     |         |         |         |         |
| - корхоналар маблағлари                             | 24,6    | 22,1    | 22,5    | 29,8    |
| - тижорат банкларининг маблағлари                   | 3,3     | 1,6     | 1,9     | 4,1     |
| - тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар | 6,8     | 5,2     | 8,1     | 10,5    |
| - ахоли маблағлари                                  | 13,3    | 12,5    | 9,6     | 9,2     |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000-2003 йилларга мўлжалланган Давлат инвестицион дастури маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 2003 йилда марказлаштирилмаган инвестициялар Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини молиялаш манбалари таркибининг катта улушкини ташкил қилиб, уларнинг солиштирма салмоғи капитал кўйилмалар сифатида фойдаланиладиган барча маблагларнинг ярмидан кўпрогига тенгдир.

Марказлаштирилган инвестициялар таркибида эса маблағларнинг катта кисмини бюджет маблағлари ва хорижий инвестициялар ташкил этган.

Марказлаштирилмаган инвестициялар таркибида корхоналар маблағларининг улуси анчагинадир (30 фоизга якин). Кўриб чиқилётган даврда (2000-2003 й.й.) тижорат банкларининг инвестициялари кискарсанлиги кузатилди. Масалан, агар 2000 йилда тижорат банкларининг кредитлари барча капитал кўйилмалар таркибида 3,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилда - 1,9 фоизни ва 2003 йилда - 4,1 фоизни ташкил этган.

Демак, фақат охириги 2003 йилда тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилган маблағлар ўсганлиги кузатилади.

Биз банк инвестициялари даромадлилиги даражасини фойда суммаси билан банк сармояси ўсишини дастлабки инвестицияларга таксимланиш хосиласи сифатида хисоблаб чиқиш мумкин деб хисоблаймиз ва буни кўидаги формула орқали хисоблашни тавсия этамиз:

$$D_{\text{инв}} = \frac{\Phi Y + \Delta K}{I_{\text{дастлабки}}} \quad (1)$$

Бу ерда:

$D_{\text{инв}}$  – банк инвестицияларининг даромадлилиги;

$\Phi$  – инвестицион фаолият натижасида олинган фойданинг йиллик ҳажми;

$\Delta K$  – инвестициялар орқали банк сармоясининг ўсиши;

$I_{\text{дастлабки}}$  – банкнинг барча инвестиция лойиҳаларига сарфлаган дастлабки инвестициялари миқдори.

Мазкур кўрсаткични хисоблаш чоғида банк томонидан йил мобайнида турли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш хисобидан кўриладиган фойда хисобга олинади, шунинг учун ундан банкнинг инвестиция портфелига киритиладиган турли инвестицияларни таққослашда фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, тижорат банкларининг инвестицияларидан самарали фойдаланиш учун банкнинг инвестиция дастурини ва сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, Давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида тижорат банкларининг молиявий ресурсларидан янада кенгрок фойдаланиш зарурдир.

Чунки бу давлат бюджетига инвестиция оғирлигини камайтиришга олиб келади. Бунинг учун тижорат банкларининг инвестиция сифатида кўйиши мумкин бўлган кредитлари салмоғи оширилиши талаб этилади.

Шунинг учун тижорат банкларида самарали инвестиция сиёсатини олиб бориш ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадида “Инвестиция-иктисодиёт” Кенгашини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Банкнинг инвестиция сиёсатини ишлаб чикиш, инвестиция стратегиясини белгилаш, банкнинг тегишили инвестиция портфелини шакллантиришга доир тавсияларни бериш 2-расмда кўрсатилган маҳсус Кенгаш функцияси бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**2-расм. Тижорат банкининг инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш босқичлари<sup>1</sup>**



Тижорат банкларининг узқ муддатли инвесторлар сифатидаги фаолиятини жадалластириш учун хозирги вазиятни ўзгартириш талаб этилади, яъни энг аввало, тижорат банклари ҳақиқатдан ҳам иктиносидётнинг реал соҳасини узқ муддатли кредитлаш билан шугулланишни истаса, у ҳолда ушбу муддатларга мос бўлган депозитлар манбанин таркиб топтириши лозим. Ана шундай депозитларнинг банк тизимида пайдо бўлиши тўғридан-тўғри ахоли жамғармаларини рагбатлантиришга доир давлат сиёсати билан боғликдир. Ушбу мақсадлар, биринчидан, ахолининг депозитлардан оладиган даромадларини кўпайтириш, иккинчидан эса, ахоли омонатларининг талаб даражасида сугурталанишини таъминлаш орқали амалга ошади. Буларнинг барчаси ахолининг хоҳиши-истакларидан келиб чиқсан ҳолда тегишили конунларнинг ишлаб чиқилишини ёки такомиллаштирилишини талаб этиди.

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

Айни пайтда иктисодиёт тармокларини инвестициялаш учун аҳолининг валюта ресурсларини банкларда сақланишини ташкил этиш ва улардан инвестиция фаолиятини молиялаш учун фойдаланиш талаб қилинади.

Фикримизча, ҳозирги шароитда инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосий функцияси бўладиган максус давлат идораси ташкил этилиши талаб қилинади. Бу давлат органи тармокларни қайта таркиблаш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиши, Иктисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар бир вилоят, шаҳар, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида иктисодиётни таркибан қайта куриш дастурини ишлаб чиқиши керак.

Энг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун қўшимча ресурслар жалб этиш мақсадида хусусий инвесторлар фаоллашувига ёрдам берадиган бир канча меъёрий-хукукий хужжатлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Шу муносабат билан, масалан, хусусий инвесторлар билан тижорат банкларининг қўшма инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига йўл қўйилиши мумкин.

Шу билан бирга, молия-ишлаб чиқариш бирлашмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, бундай бирлашмаларни ташкил этишда хукumat томонидан амалий ёрдам берилиши керак. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг “Молия-ишлаб чиқариш бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни тайёрланиб, қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, молия-ишлаб чиқариш бирлашмалари тўғрисидаги қонунда тижорат банкларига биринчи навбатда имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай экан, масалан, бу бирлашмалар ўз инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши учун оладиган инвестиция кредитлари ва бошқа молиявий маблағлар билан ишлаш имконияти айниқса жозибали бўлади. Тижорат банклари инвестиция оқимларини бутун бирлашма манбаатларини қўзлаб бошқариш учун реал имкониятга эга бўладилар.

Айни пайтда, ҳар қандай банк икки йўлдан бирини танлашига тўғри келади. Буларнинг биринчиси, бирлашма ташкил этилаётганда кўзда тутилган ресурслардан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадига риоя этишини талаб қиласиган шартларга кўниш бўлса, иккинчиси, маблағларни молия бозорининг юқори даромадли воситаларига, масалан, қимматли қофзлар сотиб олишга сарфлашдир.

Тижорат банклари фаолиятини бошқариш сифатини ошириш улар инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этувчи омилдир. Зоро, бошқарув корхоналарга инвестиция кредитлари беришнинг самарали механизми яратилиши ва ишлашини таъминлаши лозим. Тижорат банклари фаолиятида шундай механизм жорий этилиши инвестиция кредитлари берилаётганда нотўғри қарорлар қабул қилиш рискини камайтириш имконини беради.

Тижорат банкларида инвестицион кредитлаш механизмини ташкил этиш, фикримизча, куйидаги босқичлардан иборат бўлиши керак:

- инвестиция бизнес-режасини комплекс таҳлил қилиш;

- инвестиция лойихаси амалга оширилиши мўлжалланган корхонанинг молиявий ахволини таҳлил килиш;
- ҳамкор банклар ахволини таҳлил килиш;
- инвестицион кредитлаш стратегиясини ва тактикасини ишлаб чикиш;
- меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чикиш.

Марказий банкнинг кайта молиялаш ставкаси мамлакатда пул тақлифларини ва шунга мувоғик инвестицияларни тартибга солишнинг энг муҳим омилидир. Сўнгти йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кайта молиялаш ставкасини доимо пасайтириб бормоқда (36%дан 20%гача). Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фоиз ставкасига таъсир этиш имкониятлари молиявий бозорнинг торлиги, молиявий механизмларни ривожланмаганлиги ва уларнинг фоиз ставкалари ўзгаришини яхши хис этмаслиги туфайли жуда чекланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, фоиз ставкасини тўғри белгилаш кредитлашдаги энг мушкул вазифалардан бири ҳисобланади. Кредит ставкаси етарлича асосли ва карз олуви учун манфаатли бўлиши керак. Чунки, агар ставка баланд бўлса, карз олуви кредит киммат бўлгани учун уни олишни истамайди. Айни пайтда, тижорат банки инвестиция лойихасининг кредитори сифатида фойда олиши ҳамда ўз харажатлари ва кредитлаш рисклари ўринини қоплаш учун кредит ставкасини етарлича баланд белгилашдан манфаатдордир.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари томонидан инвестицияларни молиялашда ўрнатиладиган фоиз ставкасини ҳисоблаш куйидаги услуг асосида аникланиши мумкин:

$$Кст = Касос + Дб + ИФ \quad (2)$$

Бу ерда:

Касос – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатиладиган кайта молиялаш ставкаси;

Дб – тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш билан боғлик бўлган барча харажатларини қоплашга мўлжалланган фоиз ставкаси;

ИФ – банкнинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланган кўшимча фоиз ставкаси;

Айни пайтда, инвестицион кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ҳар бир мамлакат ҳар хил белгилайди. Инвестицион кредит бўйича ставка белгиланаётганда куйидаги асосий омиллар ҳисобга олиниши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига берадиган кредитлар бўйича кайта молиялаш ставкаси;

- ҳалқаро кредитлар бўйича ўртacha фоиз ставкаси, яъни актив операцияларни бажариш, жумладан, инвестицион кредитларини бериш учун бошقا банклардан сотиб олинидиган ресурслар ҳаки;

- тижорат банки депозитлар бўйича ўз мижозларига тўлайдиган ўртacha фоиз ставкаси;

- кредит ресурслари тузилиши ва характери (яъни, агар банк кредит ресурслари таркибида жалб этилган маблағлар улуши кўпроқ бўлса, демак инвестицион кредитлар киймати ҳам баландроқ бўлади);
- мижозлар томонидан кредитларга бўлган талаб ва таклиф (талаб кредит кийматини белгилайди – талаб қанча катта бўлса, кредит киймати шунчага ошади);
- мамлакатдаги пул-кредит сиёсати барқарорлиги. У пул қадрсизланиши суръатларида ўз аксини топади, бу эса фоиз ставкаси шакллананишига таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг самарали амалга ошиши мамлакатдаги мавжуд инвестиция маблағлари миқдори билан белгиланади. Инвестиция маблағлари миқдорининг ўсиши эса, ўз навбатида, мамлакатдаги ахолининг ялпи истеъмол талаби ҳамда жон бошига тўғри келадиган даромад даражасига боғлиқdir. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар мамлакатда инвестиция маблағларининг ўсиб боришини таъминловчи асосий омиллардир.

Ўсиб борувчи инвестиция деганимизда аҳоли даромадларининг бир қисмини тижорат банклар орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши тушунилади.

Бизнинг фикримизча, бундай ўсиб борувчи инвестиция модели қўйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

$$Iv = a + V_{iam} \cdot Kq - \chi \cdot Kd \cdot I_{umum} \quad (3)$$

Бу ерда:

$a$  – тижорат банклари инвестицион маблағларининг ҳажми;

$V_{iam}$  – мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми;

$Kq$  – ялпи ички маҳсулотдан ажратиладиган инвестицион маблағлар миқдорини белгиловчи коэффициент;

$\chi$  – инфляция миқдорини чегириб ташлангандан қоладиган аниқ фоиз ставкаси;

$Kd$  – инвестицияларнинг аниқ фоиз ставкасига мослашувчанлик коэффициенти.

$I_{umum}$  – мамлакатдаги умумий инвестицияларнинг ҳажми.

Шундай қилиб тижорат банклари инвестицион фаолиятининг самараадорлиги инвестиция лойиҳаларини молиялашда шаклланадиган инвестицион маблағлари миқдорига боғлиқdir. Бироқ, бу нарса мамлакатдаги мавжуд солиқ сиёсатига ҳам боғлиқ.

Турли хил солиқ имтиёзларининг берилиши мамлакатда инвестиция фаоллигини солиқлар билан рағбатлантиришнинг асосий йўналиши бўлиши керак, яъни барча солиқ имтиёзлари асосий мақсадга – инвестиция фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётган солиқ тұловчиларнинг солиқ мажбурияти миқдорини қисқартиришга қаратилган бўлмоғи лозим. Банклар инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларнинг солиқ мажбуриятларини тўғридан-тўғри камайтириш билан бирга, солиқ мажбуриятларини

қискартирувчи билвосита механизмлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқидир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур маблагларни жамлаш мақсадида солиқ тұловчиларнинг Бирлашмасини тузиш мақсадға мувофик бўлар эди. Бунда улар хосил бўлган маблаглардан ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Назаримизда, тижорат банклари бошчилик қиласидаги, таркибиға кишилек хўжалик корхоналари, пахта тозалаш, тўқимачилик ва тикувчилик саноати корхоналари, шунингдек ёғ-мой корхоналари кирган солиқ тұловчиларнинг Бирлашмаларини яратиш лозим. Бу бир томондан, ушбу молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш шарти билан сармояни жамлаш имконини берса, иккинчи томондан эса – бирлашмага муайян солиқ имтиёзларини бериш мақсадға мувофик бўлар эди. Ана шу имтиёзлар хисобидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағлар шакллантирилади.

Фикримизча, тижорат банклари бошчилигидаги солиқ тұловчиларнинг Бирлашмаси 3-расмда кўрсатилганидек тузилиши мумкин.

3-расм. Тижорат банклари бошчилигидаги солиқ тұловчиларнинг  
Бирлашмаси таркиби<sup>1</sup>



Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларга солиқлар юзасидан муайян имтиёзлар бериш мақсадға мувофиқидир.

Банклар томонидан тұланадиган даромад солиги бошқа солиқлардан кўра корхона инвестиция фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш мухимдир. Чунки янги хосил қилинган қиймат хисобидан шакллантириладиган мазкур солик мазмуну ўзининг ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун, яъни инвестиция кўринишида фойдаланиши мумкин ва

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.


зарур бўлган восита сифатида фойдаланишга қаратилган. Шунинг учун ҳам, энг аввало, даромад солигининг макбул ставкасини белгилаб олиш талаб қилинади.

Бизнинг таклифимиз банк тизими барқарор бўлган пайтда даромад солиги ставкасини пасайтириш тижорат банкларининг инвестиция лойихаларини узоқ муддатли кредитлашдаги ролини оширишга кўмаклашади.

Тижорат банки инвестиция фаолияти у ёки бу йўналишининг танланиши банкнинг “Инвестиция-иктисодиёт” Кенгаши мажлисида белгилаб олиниши керак. Бунда инвестициялаш стратегияси хисобга олиниши лозим, Ўзбекистон шароитида стратегияни шакллантиришда банкнинг қайси тармокка карашлилиги ўз таъсирини ўtkазади (масалан, АТБ “Пахта Банк” кўпроқ кишлок хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойихаларини амалга ошириша катнашади).

Тижорат банки инвестиция фаолияти *4-расмда* кўрсатилганидек қоида асосида амалга оширилиши мумкин.

*4-расм.* Тижорат банки инвестиция фаолиятининг умумий қоидаси<sup>1</sup>



Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, ўз инвестиция фаолиятини ривожлантиришни истаган ҳар бир тижорат банки иктисолиёт тармокларининг қайси бири барқарор ривожланиб, даромад келтиришини, демакки, инвесторлар учун жозибадор бўлишини аниқлаб олиши лозим. Шунингдек, тижорат банклари келгусида хорижий банклар томонидан инвестиция қилиниши оқибатида ракобат кучайиб кетиши мумкин бўлган тармокларга маблағларни сарфлашдан ўзларини асрашлари керак.

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторини чукур ва ҳар томонлама таҳлили республика иқтисодиётининг кўйида санаб ўтилган тармокларини ишонч билан жозибадор инвестиция обьектлари деб хисоблаш имконини беради:

- қишлоқ ҳўжалиги;
- кон саноати тармоклари (газ, минерал ҳом ашё қазиб чиқариш);
- енгил саноат;
- қайта ишлаш саноати, айниқса қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;
- туризм;
- коммуникация, Ўзбекистон Европа бозорлари ва Жанубий-Шаркий Осиё мамлакатлари ўртасида географик-сиёсий жиҳатдан куладай жойлашганлиги туфайли узоқ муддатли режада халқаро коммуникациялардан яхшигина даромад олиш имкониятига эгадир.

Тижорат банки ўз инвестиция фаолияти йўналишларини белгилаш чоғида, энг аввало, глобал стратегиядан келиб чиқиши керак. Мазкур фаолият кўлами ва сифатини ошириш ана шу стратегия мақсадидир. Банк инвестиция фаолияти стратегиясини танлаш чоғида даромадлилик ва ризк даражасини хисобга олиш зарур. Стратегиянинг ҳар бир варианти банкнинг «Инвестиция-иқтисодиёт» Кенгашида муҳокама қилиниши керак. Ҳар бир стратегиянинг ижобий ва салбий жиҳатларини хисобга олиб инвестиция портфели тузилиши керак. Банк инвестиция портфелининг таркиби тўғридан-тўғри инвестициялаш мақсадларига боғлиқдир.

### III. Хулоса ва таклифлар

Диссертация мавзусининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уни атрофлича ўрганиш мамлакатимиз инвестиция бозорида тижорат банкларининг ролини ошириш ва янада ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари юзасидан куйидаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилишига асос бўлди.

1. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солища монополияга қарши муҳитни яратишга, ракобатчиликни раббатлантиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини кенг кўламда қўллаб-кувватлашга, самарали солиқ сиёsatини амалга оширишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Тижорат банклари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолигини ошириш учун сугурталаш ва фонд бозори, гаров хукуки ва ипотека соҳасидаги, айниқса ажратилган кредит маблағларини қайтарилиш кафолатини ошириш борасидаги қонунларни ва меъёрий базани такомиллаштириш лозим.

2. Молиялаш манбалари бўйича инвестицияларни асосий сармояга тақсимланишининг таҳлили куйидагилардан далолат беради: бюджет маблағлари хисобидан инвестициялар кўпайди; молиялаш манбалари сифатида

бюджетдан ташқари фонdlар инвестициялар умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этади; тижорат банкларининг кредитлари ишлаб чиқаришга узоқ муддатли инвестициялар кўринишида йўналтирилмаялти.

3. Молиявий инвестиция манбалари чекланган бир шароитда молия-ишлаб чиқариш бирлашмаларини яратиш максадга мувофиқдир. Бу эса меъерий ва хукукий базанинг такомиллаштирилишини талаб этади. Ана шундай бирлашмалар таркибida тижорат банклари мухим ўринни тутиши керак.

Молия-ишлаб чиқариш бирлашмаларини яратиш натижасида ишлаб чиқариши дастлабки тарзда молиялашдан тортиб фойда кўриш ва ундан қайта молиялаш манбаи сифатида такрорий фойдаланишгача бўлган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг туташган цикли ҳосил бўлади, бу эса ялпи банк рискларининг камайишига олиб келади.

4. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини пасайтиришга кўмаклашадиган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш зарур, бу эса хўжалик юритувчи субъектларга инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун тижорат банкларининг кредит ресурсларини кўпроқ жалб этиш имконини беради.

5. Ишлаб чиқилаётган инвестиция дастурларида иктисадиётни таркибий жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлик бўлган бирмунча истиқболли тармоқларни белгилаш ва ана шу тармоқлarda инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун пасайтирилган фонз ставкаларини ўрнатиш зарур.

6. Ҳар бир вилоятда минтақавий инвестиция банкини яратиш мамлакатда ва айниқса минтақавий даражада инвестиция фаолиятини жонлантиришнинг мухим йуналишидир. Бундай банкни ҳозир мавжуд булган Ҳалқ банкининг минтақавий бўлимлари негизида яратиш мумкин.

7. Тижорат банклари фаол иштирок этиши керак бўлган лизинг битимларини шаклантириш ва ривожлантириш - тижорат банклари инвестиция фаолиятини жонлантириш йўналишларидан биридир. Бирок, бунинг учун мавжуд меъерий негизни такомиллаштириб, унда бошқа банк операцияларини (масалан, валюта операцияларини) лицензиялашда бериладиган лицензиялар сингари Марказий банкнинг лицензиялари берилишини кўзда тутиш зарур.

8. Давлат фискал сиёсати юритилаётган шароитда ҳалкаро лизинг бўйича олиб кирилган ускуналарга доир божхона тўловлари мутлақо бошқача тамоил асосида ундирилади. Ишлаб чиқаришни арzonлаштириш ва шу асосда ҳалкаро бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида лизинг шартномаси амал қиласидаган бутун муддатда имтиёзли божхона тартиби муддатини узайтириш мақсадга мувофиқдир.

9. Ресурслар даромадлилиги ва ўртача нисбий қийматини баланс ҳисоб-китоби билан биргаликда режалаштириш ва тахлил этиш тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларини, шу жумладан, даромадлилик ва фойда кўришни самарали бошқаришни таъминлаш имконини беради. Бунинг

эвазига тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини молиялашдаги ролини ва иштирокини кучайтириш учун реал шароит вужудга келади.

10. Тижорат банклари ва корхоналар инвестиция фаолиятини соликлар билан рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини янада аникрок белгилаш мақсадида алоҳида тоифалар бўйича инвестиция солик имтиёзларини таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Айрим солик имтиёзлари орасида жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи тармокларни ривожлантиришга кўмаклашадиган тижорат банкларига инвестиция солик имтиёзларини бериш мақсадга мувофиқ.

11. Инвестиция жараёнларини жонлантириш учун барча солик имтиёзлари инвестиция фаолиятини муваффакиятли амалга ошираётган солик тўловчининг солик мажбуриятлари хажмини кискартиришдан иборат умумий мақсадни кўзда тутиши керак. Бундай сиёsat, энг аввало, корхона ва ташкилотларнинг, шу жумладан, тижорат банкларининг даромад соликлари, кўшилган киймат солиги, божхона божлари, корхоналарнинг мулк солиги каби соликларга доир амалга оширилиши керак. Чунки, айни шу соликлар Ўзбекистонда солик мухитини шакллантиради.


12. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мақсадида даромад солиги ставкасини пасайтириш зарур. Бундай ислоҳот банк тизимидан бошланиши керак. Банк тизими баркарор бўлган бир пайтда даромад солиги ставкалари макродаражада пасайтирилиши инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлашда тижорат банклари ролини оширишга кўмаклашади.

### **Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари куйидаги мақолаларда баён этилган:**

1. Алимов Н.Р. Инвестиционная деятельность банков. //Международная научно-практическая конференция: Тезисы докладов (4-6 декабря 2000 г). – М: Изд. Рос.экон.акад., 2000 г. стр. 56-57.
2. Алимов Н.Р. Коммерческие банки и инвестиции. //Научно-практическая конференция: Тезисы докладов (22 декабря 2000 г) – Т.: ТашГЭУ, 2000 г. стр. 113-115.
3. Алимов Н.Р. Коммерческие банки на рынке инвестиций. //Сборник научных трудов молодых аспирантов, ученых Российской Федерации и Зарубежья. – М: МГУ, МАКС Пресс 2001, стр. 45-49.
4. Алимов Н.Р. Эффективность инвестиционной деятельности. //Четырнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов (28 апреля 2001 г) – М.: Изд. Рос. экон. акад., 2001 г. стр. 171-175.
5. Алимов Н.Р. Инвестиционная деятельность коммерческих банков. //Международная научно-практическая конференция. Тезисы докладов (30 мая 2001 г) – Т.: 2001 й.

6. Рашидов О.Ю., Обиджонов Ж.О., Алимов Н.Р. Инвестиционная деятельность как фактор экономического роста //“Рынок, деньги и кредит”, №7 (50) июль, 2001 г. стр. 50-52.
7. Алимов Н.Р. Влияние налогов на инвестиционную деятельность банков //“Рынок, деньги и кредит”, №2 (57) февраль, 2002 г. стр. 40-43.
8. Алимов Н.Р. Инвестиционная деятельность коммерческих банков //Шестнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов (26 апреля 2003 г) – М.: Изд. Рос.экон.акад., 2003 г. стр. 225-227.

Таджиқотчи:



**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Алимов Наврузжон Раимджановичнинг 08.00.07-“Молия, пул мумаласи ва кредит” ихтинослиги бўйича “Ўзбекистон Республикаси инвестиция бозорида тижорат банкларининг роли” мавзусидаги диссертациясининг**

### **КИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Калитли сўзлар:** бозор иқтисодиёти, инвестиция, инвестициялар бозори, тижорат банклари, банк инвестиция фаолияти, инвестицион лойихаларни молиялаштириш, инвестиция кредитлари, молия-ишлаб чиқариш бирлашмалари.

**Тадқикот обьекти:** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ҳамда улар томонидан инвестицион лойихаларни молиялаштириш.

**Ишининг мақсади:** назарий-услубий коидаларни ишлаб чиқиши асосида инвестицион кредитлашнинг тижорат банки фаолиятидаги ролини белгилаш, банк инвестиция фаолиятини кучайтириш юзасидан услубий тавсиялар тизимини ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиши.

**Тадқикот услуби:** иқтисодий экспертиза, эксперт баҳолаш, прогнозлаш, иқтисодий ва молиявий таҳлил, таққослаш ва гурухлаш, статистика усуllibар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлган тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштиришга оид назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиш борасида илмий янгиликларга эга бўлган натижалар қўйидагилардан иборат: тижорат банклари инвестицион лойихаларни молиялашда кент иштирок этиши зарурлиги асослаб берилган; тижорат банклари ва иқтисодиётнинг турли соҳаларига мансуб корхоналарни бирлаштирувчи молия-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда уларни ривожлантириш зарурлиги асосланган; тижорат банкларининг алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўллари ва босқичлари асослаб берилган; тижорат банклари томонидан бериладиган инвестиция кредитларининг ўртacha кийматини белгилаш услуги ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** Диссертациянинг назарий хulosалари ва амалий натижаларидан “Банк иши”, “Инвестицион лойихаларни молиялаштириш”, “Пул, кредит ва банклар” каби иқтисодий фанларни ўқитища фойдаланиш мумкин.

**Тадбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Илмий ишда қайд этилган хulosса ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкидан (ЯХ-2589/04, 14.04.04) ҳамда АТБ “Пахта банк”дан (№28-16/14, 15.04.04) маълумотномалар олинган.

**Қўлланиш соҳаси:** Тадқикот натижаларидан Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг инвестицион фаолиятни такомиллаштириш ва тартибга солиша фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Н.Р. Алимова на тему: «Роль коммерческих банков в инвестиционном рынке Республики Узбекистан» предоставленной к защите на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит».

**Ключевые слова:** рынок, рыночная экономика, инвестиция, инвестиционный рынок, коммерческие банки, банковские инвестиции, инвестиционная деятельность банков, финансирование инвестиционных проектов, инвестиционный кредит, финансово-производственные объединения.

**Объекты исследования:** Инвестиционная деятельность коммерческих банков Республики Узбекистан и финансирование инвестиционных проектов.

**Цель работы:** на основе разработки научно-методологических принципов определение роли инвестиционного кредитования в деятельности коммерческих банков, а также разработка методологических рекомендаций по усилению инвестиционной деятельности банков и их практической реализации.

**Методы исследования:** экономическая экспертиза, экспертная оценка, прогнозирование, экономический и финансовый анализ, сравнение и группирование и применение методов статистики.

**Полученные результаты и их новизна:** Разработка научных и практических рекомендаций по совершенствованию инвестиционной деятельности коммерческих банков в условиях углубления процессов либерализации в Республики Узбекистан: обоснованы пути расширения участия коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов, согласно Государственной инвестиционной политики; обоснованы этапы создания и развития финансово-производственных объединений; обоснованы этапы и направления разработки и реализации особой инвестиционной политики коммерческих банков; в целях реализации инвестиционной деятельности коммерческих банков предложена методика оценки средней стоимости инвестиционного кредита, выдаваемого коммерческим банком.

**Практическая значимость исследования:** Полученные в ходе исследования научные и практические результаты могут быть использованы в процессе преподавания таких учебных дисциплин, как «Банковское дело», «Финансирование инвестиционных проектов», «Деньги, кредит и банки».

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** о полученных в ходе проведенного исследования выводах имеются справки для внедрения от Национального банка ВЭД РУ (№ЯХ-2589/04, 14.04.04) и АКБ «Пахта Банк» (№28-16/14, 15.04.04).

**Область применения:** Результаты исследования могут быть использованы в совершенствовании и улучшении инвестиционной деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан.

## RESUME

Of dissertation of Alimov N.R. on the academic degree candidate of economic science, specialty 08.00.07- "Finance, money and credit" on the them «The Role of commercial bank's in investment market of the Republic of Uzbekistan»

**Key words:** market, market economy, investments, investment market, commercial banks, investments by banks, investment activity of banks, financing investment projects, investment credit, financial-manufacturing associations.

**Subject of research:** Investment activity of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and investment projects financing.

**Aim of research:** on the basis of scientific principal definition of the role investment crediting in activity of commercial banks, and development methodological recommendations on the strengthening the investment activity of the banks and its realization in practice.

**Methods of research:** economic appraisal, expert evoluation, forecasting, economic and financial analyses, comporison and grouping and statistical methods application.

**The results achieved and their novelty:** On conditions of deepening the process of liberalization in the Republic of Uzbekistan development of scientific and methodological recommendations on improvement of investment activity of commercial banks; proved ways of enhanced participation of the commercial banks in investment projects financing, included in investment programs; proved steps of creation and development of finance-industrial groups; proved steps and directions of development and realization special investment policy of commercial banks; in purpose of realization of investment activity of commercial banks, proposed method of evaluation the average cost of investment credit, provided by commercial banks.

**Practical meaning of research:** The research of improvement the mechanism of investment activity of commercial banks, and also on the basis of that, defined the ways of deepening investment processes in country.

Scientific and practical results Gathered in course of research can be used in teaching such subjects, as "Banking", "Investment Projects Financing" and "Banking, money and credit".

**Degree of application and effectiveness:** resumes and proposals of the research are certificated by the National Bank for FEA of Uzbekistan (№ЯХ-2589/04, 14.04.04) and JSCB "Pakhta Bank" (№28-16/14, 15.04.04).

**Sphere of application:** Results of the research can be used in improvement and development the investment activity of the commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

|                        |              |
|------------------------|--------------|
| Қоғоз бичими           | 1,0 б.т.     |
| Босишига рухсат этилди | 23.04.2004 й |
| Тиражи                 | 100 нусха    |
| Буюртма №              | 276          |

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети  
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг  
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон  
шоҳқўчаси, 49 – уй  
e-mail: [talaba@tsue.uz](mailto:talaba@tsue.uz)